



ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ЖИНСИЙ  
ЭРКИНЛИГИГА ҚАРШИ СОДИР ЭТИЛАЁТГАН  
ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ШАХСНИНГ  
ҲАРАКАТЛАРИГА ҲУҚУҚИЙ МАЛАКАЛАШНИНГ  
АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

**Р.Б.Игамбердиев**

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Қорақалпоқ академик  
лицейи директори, подполковник

**Т.Х.Курамбаев.**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Киберхуқуқ  
кафедраси бошлиғи, ю.ф.б.ф.д. (PhD), доцент, подполковник .

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18535439>

**ARTICLE INFO**

Qabul qilindi: 31-yanvar 2026 yil  
Ma'qullandi: 6-fevral 2026 yil  
Nashr qilindi: 9-fevral 2026 yil

**KEY WORDS**

вояга етмаганлар, жинсий  
эркинлик, жинсий дахлсизлик,  
жиноят квалификацияси, Жиноят  
кодекси, суд амалиёти.

**ABSTRACT**

Мақолада вояга етмаган шахсларнинг  
жинсий эркинлиги ва жинсий дахлсизлигига  
қарши жиноятларни квалификация қилиш  
масалалари Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси, Жиноят кодекси ва Олий суд  
Пленумининг қарорлари асосида кенг таҳлил  
қилинган ҳолда бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш  
амалиёти ҳамда амалдаги қонунчиликни  
такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва  
тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари, хусусан, вояга етмаган шахсларнинг  
жинсий эркинлиги ва жинсий дахлсизлигини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига  
кўтарилган. Сўнгги йилларда жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва  
қўшимчалар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари  
мазкур соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида вояга етмаган шахсларнинг жинсий эркинлигига қарши  
жиноятларни тўғри квалификация қилиш, айниқса, жабрланувчининг ёши, розилиги  
ва моддий манфаат мавжудлиги билан боғлиқ масалаларда турли талқинлар келиб  
чиқмоқда. Мазкур мақолада шу каби масалалар реал казусли тергов вазиятлари ва  
амалдаги қонунчилик нормалари асосида таҳлил қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига мувофиқ, ҳар бир  
инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиз бўлиб, ҳеч ким зўравонликка ёки инсон  
қадр-қимматини камситувчи муносабатга дучор этилмаслиги лозим. Шунингдек,  
Конституциянинг 27-моддасида ҳар бир инсоннинг шахсий ҳаёти ва шахсий  
дахлсизлиги кафолатланган [2]. Мазкур нормалар мазмунидан келиб чиқиб, ҳар бир  
инсоннинг, шу жумладан вояга етмаган шахсларнинг жинсий эркинлиги ва жинсий

дахлсизлиги давлат томонидан муҳофаза қилинади<sup>1</sup>. Ушбу конституциявий кафолатлар Жиноят кодексда аниқ нормалар орқали мустақамланган.

Хусусан, Жиноят кодексининг:

128-моддаси — ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш;

128<sup>1</sup>-моддаси — ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахс билан моддий қимматликлар бериш ёки бошқа тарзда манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилиш учун жиний жавобгарликни белгилайди [2].

Ушбу нормалар вояга етмаганларнинг жинсий эркинлигини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, уларни қўллашда жабрланувчининг ёши ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Амалиётда учрайдиган ҳолатлардан бири — 18 ёшгача бўлган шахс билан жинсий алоқанинг моддий манфаат эвазига амалга оширилиши ҳисобланади. Бундай вазиятларда жабрланувчининг жинсий алоқага розилиги мавжуд бўлишига қарамасдан, жиний жавобгарлик истисно этилмайди.

Жиноят кодексининг 128<sup>1</sup>-моддасига кўра, агар жинсий алоқа моддий қимматликлар бериш, мулкӣ ёки бошқа тарзда манфаатдор этиш орқали содир этилган бўлса, айбдор шахс жиний жавобгарликка тортилади. Бу ҳолатда қонун вояга етмаган шахснинг ижтимоӣ ва руҳӣ жиҳатдан ҳимояга муҳтожлигини инобатга олади. Шунингдек, замонавий шароитда “виртуал манфаатдорлик” (масалан, компьютер ўйинлари учун валюта, ижтимоӣ тармоқлардаги обуналар ёки гаджетлар вақтинча фойдаланишга бериш) каби ҳолатлар кўпаймоқда.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда вояга етмаганларни интернет орқали жинсий характердаги ҳаракатларга жалб қилиш (grooming) энг катта муаммо бўлиб қолмоқда.

Шу боис, тергов жараёнида рақамли далилларни тўплаш методикасини такомиллаштириш. Вояга етмаган шахс билан масофавий тарзда жинсий мазмундаги ёзишмалар олиб бориш ёки ундан интим фотосуратлар талаб қилишни ЖК 128-моддасига яқинлаштирилган жавобгарлик сифатида алоҳида баҳолаш зарур [3].

Илмӣ ва амалий жиҳатдан баҳсли масалалардан яна бири — ЖК 118-моддаси ёки 119-моддасида назарда тутилган жиний таркибларини ЖК 128-моддасида назарда тутилган жиний таркибидан фарқлаш масаласидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиӣ усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2010 йил 29 октябрдаги 13-сон қарори 7-бандида ЖК 118-моддаси ёки 119-моддасида назарда тутилган жиний таркибларини ЖК 128-моддасида назарда тутилган жиний таркибидан фарқлашлари, бунда ЖК 128-моддаси бўйича жиний жавобгарлик ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки жиний эҳтиёжни ғайритабиӣ усулда қондириш зўрлик ёки таҳдид қўлламаган ҳолда амалга оширилаётган ҳаракатлар хусусияти ва моҳиятини англаган жабрланувчининг розилиги билан содир этилган ҳолдагина келиб чиқишини эътиборга олишлари лозим [4].

Ўн тўрт ёшга тўлмаган (кичик ёшдаги болалар) ожиз аҳволдаги шахс ҳисобланганлиги сабабли улар билан табиӣ ёки ғайритабиӣ усулда жиний алоқа қилиш ЖК 118-моддаси тўртинчи қисми, 119-моддаси тўртинчи қисми билан квалификация қилиниши лозим бўлади.

Шунингдек, мазкур қарорнинг 10-бандига мувофиқ, агар шахс номусга тегиш вақтида бирин-кетин бир неча марта (масалан, кун давомида) жиний алоқа қилган ёки жиний эҳтиёжини ғайритабиӣ усулда қондирган бўлса ва иш ҳолатлари айбдорда муайян бир шахсга нисбатан мазкур айнан ўхшаш ҳаракатларни содир этишга нисбатан ягона қасд мавжудлигидан далолат берса, қилмиш ЖК 118-моддаси ёки 119-моддасининг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент, “Ўзбекистон”, 2023 й.

тегишли қисми бўйича квалификация қилиниши лозим бўлган битта давомли жиноят сифатида кўрилиши лозим.

Бироқ, бизнингча **вояга етмаганнинг жинсий эркинлигига қарши қаратилган** ҳар бир ҳолатни алоҳида ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, уларни **жиноятлар мажмуи** сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Негаки вояга етмаган шахснинг (айниқса қиз болаларнинг) организми ҳали шаклланиш жараёнида бўлади. Катта ёшли аёлдан фарқли ўлароқ, вояга етмаган боланинг репродуктив тизими ва ички аъзолари ҳар бир жинсий актда оғир жисмоний шикастланишга, инфекцияларга ва функционал бузилишларга ўта таъсирчан бўлади.

Шунингдек, ҳар бир такрорий ҳаракат бола организми учун янги жароҳат ва соғлиқ учун қўшимча хавф демакдир. Уни битта “давомли” жиноят деб ҳисоблаш, ушбу жисмоний азобларнинг ҳажмини эътибордан четда қолдиришга олиб келади.

Шунга ўхшаш ҳаракатлар муайян бир шахсга нисбатан турли вақтларда (масалан, турли кунларда) ёки бир неча шахсга нисбатан содир этилганда такроран жиноят белгиси мавжуд бўлади (ЖК 32-моддаси).

Мазкур қоидалар ЖК 128-моддаси кўрсатилган жиноятни содир қилган шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилишда ҳам қўлланилади.

Икки ва ундан ортиқ марта номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёж ғайритабiiй усулда қондириш содир этилган бўлиб, бунинг учун Жиноят кодексининг 118-моддаси ёки 119-моддасининг турли қисмларида жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлса, шунингдек бир ҳолда бундай жиноятларга суиқасд ёки уларда иштирокчилик, бошқа ҳолда эса, тугатилган жиноят содир этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари мазкур жиноятларнинг ҳар бири бўйича мустақил квалификация қилиниши лозим.

Бундан ташқари, Жиноят ишларини юритиш жараёнида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари Жиноят-процессуал кодексининг 121-моддаси билан кафолатланган [5]. Мазкур нормага мувофиқ:

вояга етмаган жабрланувчини сўроқ қилиш педагог ёки психолог иштирокида;  
белгиланган вақт чегараларига риоя қилинган ҳолда;

зарур ҳолларда махсус жиҳозланган хоналарда амалга оширилиши лозим.

Бу нормалар жиноят процессида боланинг руҳий ҳолатини муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, мазкур тоифадаги ишлар учун алоҳида аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, вояга етмаган шахслар билан жинсий алоқа қилишга оид жиноятларни квалификация қилишда, нафақат Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодекси, балки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари [6] асосий ҳуқуқий мезонлар сифатида қаралиши лозим. Амалдаги қонунчилик ва суд амалиёти ушбу жиноятлар бўйича вояга етмаган шахсларнинг манфаатларини устувор ҳимоя қилишга қаратилган яхлит ҳуқуқий тизимни ташкил этади [7].

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент, “Ўзбекистон”, 2023 й.
2. Ш.М.Мирзиёев. «Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз» 1-жилд. - Тошкент, “Ўзбекистон”, 2019 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. - Тошкент, “Ўзбекистон”, “Yuridik adabiyotlar publish”, 2025 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. - Тошкент, “Ўзбекистон”, “Yuridik adabiyotlar publish”, 2025 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2000 йил 15 сентябрдаги 21-сон қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2010 йил 29 октябрдаги 13-сон қарори.

7. Р.Б.Игамбердиев, Х.А.Ешмуратов. «Жиноят ҳуқуқидан казуслар тўплами (ўқув ва амалий қўлланма)». - Нукус, "Bilim", 2025 й.



INNOVATIVE  
ACADEMY